

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 242 (10.295)

2004 ЙИЛ 13 ДЕКАБРЬ

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

10 декабрь куни Президент Ислам Каримов пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилаётган янги қурилиш ва иншоотлар, жумладан, шаҳарнинг Эски Жўва майдонида олиб борилаётган кенг қўламдаги ишларнинг аҳоли билан яқиндан танишди.

Маълумки, Тошкентнинг қадим тарихига, ўзига хос қиёфага эга бўлган, аҳоли зич яшайдиган Эски Жўва қисми доимо давлатимиз раҳбарининг эътибор марказида бўлиб келади. Айниқса, мустақиллик йилларида бу жойларни обodonлаштириш, унга замонавий кўч ва чироқ бэхш этиш, эски тузум даврида ечилмай келган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун кўп иш қилинди.

Хусусан, даставвал Сағбон, Қорасарой, Чимбой, Фафур Фулом, Форобий каби эгри-бурти, тор кўчалар кенгайтирилиб, равион магистрал йўллар барпо этилди. 167 гектардан ошиб ҳудуд кўчаласоғлаштирилди. Қарийб етмишта маҳалла гузар, кўлаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим масканлари, маданий-маиший иншоотлар қуриб, ишга туширилди.

Бугунги кунда ушбу даҳанинг маркази бўлиши Эски Жўва майдони ва унинг атрофидаги ҳудудларни замонавий асосда тубдан реконструкция қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб боришмоқда.

Президентимиз бу ишлар билан танишар экан, аввало, Эски шаҳарнинг шарқона қиёфасини сақлаб, уни ҳозирги замон шаҳарсозлик талаб ва таламийлари билан уйғулаштирган ҳолда қайта қуриш ва обodonлаштириш масаласига эътибор қаратди.

«Тошкентни Тошкент қиладиган, унга файзу тароват бағишлайдиган қадимий шаҳримизнинг дархалари, маҳаллалари, дарёозалари, десак, хато бўлмайди. Эски шаҳар - қадимийлик ва миллийлик тimsолдир, - деди Ислам Каримов. - Лекин, бу ердаги мавжуд бугунги ҳолат бизни қониқтирмайди.

Эски шаҳар ҳудуди шаҳримизнинг бошқа туман ва мавзёлари қатори энг кўркам ва замонавий қиёфа касб этиши учун барча куч-имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим».

Бугун Эски Жўва майдонида қадам қўйган одам бу ерда ана шу максат йўлида катта ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлади. Хусусан, Абдулла Қодирий номидаги истирохат боғи, Заркайнар ва Сағбон кўчалари бошланган ҳудудни, Эски Жўва бозорини тартибга келтириш, бу ерда кенг қўламдаги кўчаласоғлаштириш ва обodonлаштириш ишларини бажариш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, ўзининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини, тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Жумладан, транспорт катновини яхшилаш учун автомобиль йўлларини янада кенгайтириш, ён-атрофда яшил майдон ва гулзорлар барпо этиш, жазирама иссиқдан сақлайдиган дарактлар ўтказиш, бу жойларнинг паст-баланд ерлардан иборат эканини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида мейморий ёндашув ва ечимлар топиш зарурлигини таъкидлади.

Айниқса, бозорга келадиган аҳоли учун ҳар томонлама қўлайлик яратиш, Эски Жўва майдонида транспорт оқимини бошқариш ишларини оқилона йўлга қўйиш лозимлигини ўқитди.

Кейинги йилларда Эски Жўва бозорини кенгайтириш ва тартибга келтириш мақсадида бирмунча ишлар қилинди. Лекин, уларни ҳали талаб даражасида деб бўлмайди. Шу сабабдан Ўртабозоримиз бу масалани жиҳдий қайта кўриб чиқиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу борада ёниқгарчилик пайтида бозор ҳудудига қор-ёғир сувларининг оқиб тушиши оқибатида юзга келадиган антисанитария ҳолатла-

рига барҳам бериш, савдо ва овқатланиш шохобчалари ишини замонавий асосда ташкил этиш, бир қатор биноларнинг тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда таъмирлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Бу ерда амалга ошириш лозим бўлган ишлар ҳажмининг ҳисобга олиб, Ўртабозоримиз мутасадди раҳбарларга Эски Жўва ҳудудини реконструкция қилиш ва обodonлаштириш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг тарихидан муносиб ўрин олган аъёнлари, миллий қадриятлари билан биргаликда, машҳур меъморий обида ва ёдгорликлари, маъмурий бинолари ҳамда бош майдонлари бўлади.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони ҳам ана шундай тарихий аҳамиятга эга маскандир.

Истиқлолимизнинг биринчи кўнларидан эътиборан Президентимиз раҳбарлигида кўлаб тарихий, сиёсий, ижтимоий воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу майдонга янгича маъно-мазмун бахш этиш, унинг қиёфасини тубдан янгилаш бўйича кўп ишлар қилинганни жамоатчилигимизга яхши маълум.

Ҳозирги кунда ана шу ўзгаришларнинг манتيқий давоми сифатида бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ҳақда тўхталар экан, Мустақиллик майдонини реконструкция қилишда яхлит меъморий ва гоъий ечим асосида ёндашиш зарурлигини ўқитди.

Шу кўнларда Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида бунёд этилаётган Олий Мажлиснинг юқори палатаси бўлиши Сенат биносидан пардозлаш ишлари охирига етказилмоқда.

Сенат биноси ўзининг улугворлиги, кўрқу салобати билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салолитини ифода этиши, ҳаққимизнинг гуру-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилиши керак.

Кўлаб ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бу майдон, ундаги Сенат биноси юртимизнинг узоқ-яқин шаҳар-қишлоқларидан пойтахтимизга келадиган юртдошларимиз ўзини эътироф қилиши, бу ерга қадам қўйган одам истиқлолимиз руҳини, эркинлик нафасини янада теран ҳис этиши лозим, дея таъкидлади Президент.

Бош майдонимизда, Анҳор соҳилида амалга оширилаётган кўчаласоғлаштириш ва обodon-чилик ишлари ҳам ана шу максатга қаратилиши, яъни одамлар учун, уларнинг ҳордиқ-чикариш учун шароит яратиш бериши дарҳол.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонини реконструкция қилиш, бу ердаги 19 қаватли маъмурий бинони майдоннинг умумий меъморий қиёфаси билан мутаносиб ҳолга келтириш, майдоннинг рамзий дарвозасини яратиш, бу ишларда замонавий ва миллий меъморчилик аъёнчаларининг уйғунлигига, қурилиш ва безак материалларининг сифатига талабчанлик билан ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртимиздаги каби азим пойтахтимиз Тошкентда олиб борилаётган улкан қурилиш ва обodonчилик ишлари ҳаққимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ўзига хос тimsоли бўлиб, ҳар бир юртдошимиз қалбидан фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

/Э.А/

XVI саҳоси
Барча маълумотлар
олинган сўғги хабарлар

Мамлакатимизда

- Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда АҚШнинг «Халқаро ривожлантириш агентлиги» (ЮСАИД) томонидан «Ўзбекистонда сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг иштироки» мавзюида семинар бўлиб ўтди.

- Тошкентдаги халқаро бизнес марказида АҚШ Халқаро ривожлантириш агентлиги (ЮСАИД) томонидан Фуқаролар манфаатларини кўллаб-қувватлаш дастурининг (CASP) иккинчи босқичини бошлашга бағишланган анжуман ўтказилди.

- Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида Қозоғистон Республикаси халқ рас-

соми, давлат мукофотининг лауреати Абилхон Кастеевнинг 100 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.



Жаҳонда

- Украина Президентлигига номзод Виктор Ющенко кейинги пайтда юзга келган юз хасталигининг сабабини аниқлаб даволаниш мақсадида Австрияга келди.

- Италия пойтахти Миланда бўлиб ўтган суд жараёнида мамлакатнинг Бош вазирни Сильвио Берлусконига қўйилган коррупция ҳамда бошқа айблар исботланмагани ҳолда у тўлалигича оқланди.

- Сихх террорчилари томонидан жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири Тож Маҳалли портлатиб юбориш ҳақидаги хабар тарқалгандан сўнг иншоотга тўнда ташриф буюришни ман этиш ҳақидаги чеклов қучга кирган эди. Иншоотнинг 350 йиллигини нишонлаш арафасида Ҳиндистон олий суди ушбу чекловни бекор қилди.

САЙЛОВОЛДИ ТАЖВИҚОТИ

БУГУН



ЎЗБЕКИСТОН
«АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН
«МИЛЛИЙ
ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

• МИРЗО Улугбек

номидаги Ўзбекистон Миллий университетидеги талабалар иштирокида ўтказилган давра суҳбатидеги икки палатали парламент сайловларида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш чоралари ҳақида сўз борди.

• 22-МЕХРИБОНЛИК

уйида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши, Чилонзор туман ҳокимли-

ги, «Маҳалла» жамғармасининг Чилонзор туман бўлими ҳамкорликларида

«Ўзбекистон фарзанди» номига содиқ бўл» мавзюидаги кўрқ-танлов давом этмоқда. Ушбу тадбир 15 декабрда якунланади.

• МУДОФААГА кўмаклашувчи

«Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди.

• 24-МЕХРИБОНЛИК

уйида Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ҳамкорликларида тарбияланувчиларга Йўлдош Оқунбобоев номидаги Республика Ёш томошавилар театри артистлари иштирокида шоу дастур ую-

тирилди.

• 324-МАКТАБДА

ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш мақсадида ўтказилган тадбир ва концерт «Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан уюштирилди.

• 30-МЕХРИБОНЛИК

уйида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши, Ҳамза туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида «Хуқуқ ва бурч» мавзюда тарбияланувчилар томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси ўтказилмоқда. Ушбу тадбир 15 декабрда якунланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ ВА САЙЛОВ ВАРАҚАСИ НАМУНАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 11-моддаси 10-банди, 35, 36, 41-моддаларига ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси қалинлиги 70 гр/м², сув белгили, оппоқлиги камида 85 фоиз бўлган, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлаш-масининг Тошкент типография фабрикаси томони-дан тайёрланган матбаа офсет қоғозида босилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг ўлчами А-4, 297х210 мм дан иборат бўлиши лозим;

сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг матни сайлов бюллетени ҳамда сайлов варақасининг фа-кат бир томонига бир хил (қора) рангда жойлашти-рилади, бунда қуйидагилар тўқ қора ҳарфларда аж-ратиб кўрсатилади:

а) сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг ном-ланиши;

б) сайлов округининг номланиши;

в) сайлов ўтказиш санаси;

г) депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

д) депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи;

е) сайлов бюллетени, сайлов варақасининг па-стки қисмида катта ҳарфлар билан жойлаштирил-ган уларни тўлдириш тартиби бўйича тушунтириш; ҳар бир номзод ҳақидаги маълумотлар бошқа номзод маълумотларидан тўқ қалин чизик билан ажратилган бўлиши керак;

сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари фа-кат округ сайлов комиссияларининг қарори бўйи-ча ҳамда кузатуви остида сайлов ҳужжатларини тай-ёрлаш учун техник жиҳатдан жиҳозланган матбаа

ташкilotларида тайёрланади;

матбаа ташкilotи сайлов бюллетенлари ва сай-лов варақаларининг яроқли ёки яроқсизлигини тек-ширади ҳамда уларни сайлов бюллетенлари ва сай-лов варақаларини олиш вақолатига эга бўлган, уларни тайёрлаш учун бюртма берган округ сай-лов комиссияси аъзоларига далолатнома асосида топширади, далолатномада унинг тузилган санаси ва вақти, шунингдек топширилаётган сайлов бюл-летенлари ҳамда сайлов варақаларининг сони кўрсатилади. Бюртмага мувофиқ миқдордаги сай-лов бюллетенлари ва сайлов варақалари топши-рилгандан кейин матбаа ташкilotи ходимлари яроқсиз деб топилган ва ортиқча сайлов бюл-летенлари ҳамда сайлов варақаларини дарҳол йўқ қилади ва бу ҳақда далолатнома тузади, да-лолатнома барча ҳозир бўлганлар томонидан им-золанади.

3. Таъкидлансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетен-ларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар;

участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчи-лар сонидан ярим фойздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бур-чагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзо-си имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссия-сининг муҳри билан тасдиқланади;

ҳар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонига бўш катакчалар жой-лаштирилади;

ҳар бир сайлов бюллетенида уни тўлдириш тар-тиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак;

овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияларининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ кон-вертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комис-сияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилина-ди.

Тошкент шаҳри,
2004 йил 20 ноябрь.

4. Белгилаб қўйилсинки:

сайлов варақалари сайлов ўтказилишдан ўн беш кун олдин участка сайлов комиссиясига кел-тирилиши керак;

участка сайлов комиссияси томонидан округ сай-лов комиссиясидан олинган сайлов варақала-рининг сони, қонда тариқасида, сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сай-ловчилар сонининг ярим фойздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов варақасининг ўнг томони юқори бур-чагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов ко-миссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

овоз бериш тугагач фойдаланилмаган барча сайлов варақалари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтқа-зувчи округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 1 декабридан кечиктирмасдан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли сайлов округидан Ўзе-бекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни рўйхатга олиш бўйича қарорига биноан Марказий сайлов комис-сияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюл-летенлари ва сайлов варақаларининг матнларини тасдиқласинлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг чоп этилиши лозим бўлган миқ-дорини белгиласинлар.

6. Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир сайлов варақалари билан 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, сайлов бюллетенла-ри билан 2004 йилнинг 23 декабрига қадар таъ-минлашни ташкил этсинлар.

7. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиясига сайлов бюллетенлари ва сай-лов варақаларини топшириш далолатномасининг намунаси тасдиқлансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини ташкил этиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбо-сари С.Хужаева зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси
Б.МУСТАФОЕВ

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловида доир САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ



00-Наврўз сайлов округи	2004 йил 26 декабрь
№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи)
1.	АНТОНОВ Михаил Михайлович, 1936 й. Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
2.	БОТИРОВ Турсун Пўлатович, 1940 й. «Фотон» ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
3.	РАСУЛОВ Ботир ҒУЛОМОВИЧ, 1970 й. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси
4.	УМАРОВ Уктам Рўзиевич, 1948 й. Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи
5.	ФОЗИЛОВ Махмуд Махкамович, 1965й. Қўчмас мулк ва ҳорқий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП)
6.	ЯНГИБОВЕВА Шахло Рустамовна, 1954й. Бекобод шаҳри 15-урта мактаб директори Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)

Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш катакчага белги — крестик қўйинг. Биттадан ортқ бўш катакчага белги — крестик қўйилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.

2-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловида доир САЙЛОВ ВАРАҚАСИ



00-Наврўз сайлов округи	2004 йил 26 декабрь
№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этиб кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи)
1.	АНТОНОВ Михаил Михайлович, 1936 й. Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
2.	БОТИРОВ Турсун Пўлатович, 1940 й. «Фотон» ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
3.	РАСУЛОВ Ботир ҒУЛОМОВИЧ, 1970 й. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси
4.	УМАРОВ Уктам Рўзиевич, 1948 й. Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи
5.	ФОЗИЛОВ Махмуд Махкамович, 1965й. Қўчмас мулк ва ҳорқий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП)
6.	ЯНГИБОВЕВА Шахло Рустамовна, 1954й. Бекобод шаҳри 15-урта мактаб директори Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)

Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш катакчага белги — крестик қўйинг. Биттадан ортқ бўш катакчага белги — крестик қўйилган сайлов варақаси ҳақиқий эмас деб топилади.
Тўлдирилган сайлов варақаси конвертта солиниб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясига қолдирилади.

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига ва вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга саноқли кунлар қолди. Айни пайтда номзодларнинг сайловолди дастурлари маҳаллий матбуотда чоп этилиб жойларда сайловчилар

билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Сайловчилар округ, участка сайлов комиссияларига келиб, ўзларини қизиқтирган саволларига тўлиқ, батафсил маълумотлар олмақдалар.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар бўйича 5-Қўйилқ округ сайлов комиссияси аъзолари ҳам ва сиёсий кампанияга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

СУРАТДА: округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Аҳмаджон Мусаев (ўртада) сайловчилар билан суҳбатлашмоқда.

Е.Ботиров олган сурат.



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган муҳим демократик ва парламент ислохотлари ўзбек халқи манфаатлари ҳамда турли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЕИ ва ЕХТ талабларига жавоб беради, — дейди Бельгиядаги Лувен университети профессори, халқаро муносабатлар Қироллик институтининг илмий ходими, Европа Иттифоқи эксперти Р.Якемчук. — Кучли қонунчилик ҳокимиятини барпо этишга қаратилган ислохотларнинг самараси вақт ўтиши билан ўзининг муносиб баҳосини олади.

— Ўзбек халқи мустақиллик йилларида қўлга киритган кўплаб ютуқлари билан фахрланса арзийди, — дейди Европа парламенти депутати, Европарламентнинг "ЕИ-Ўзбекистон" парламент ҳамкорлиги бўйича хайъат аъзоси У.Йегле. — Сайловлар давомида сайловчилар учун эркин фикр ифода қилишга имкон бериш муҳим аҳамиятга эга, зеро бу орқали аҳолининг ҳокимиятга бўлган ишончи ошади. Халқ ўз вакиллари кўллаб-қувватлаш орқали олдга қўйган мақсадига эришади.

— Ўзбекистондаги парламент ислохоти мамлакатда фуқаролик жамияти шакллантириш жараёни чуқурлашганга йиғин ишонч ҳосил қилдиради, — дейди Қирғизистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси К.Турсубеков. — Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилигига биноан эндиликда жойлардаги ҳокимият тизимлари парламент ва маҳаллий қонунчилик органлари депутатлигига номзод қўйиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу эса қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг барча бўғинларида ҳокимият тақсимлаш тамойилининг бажарилишига имкон беради.

ХХРда нашр этиладиган "Жанмиш Жиббо" газетаси ўз интернет саҳифасида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси парламентнинг Қонунчилик палатасига депутатликка сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан таклиф этилган номзодларни рўйхатга олгани ҳақида хабар жойлаштирган.

Шунингдек, газета сайтида "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижалари ҳақида ҳам батафсил ахборот берилган ва сайловчилар учун депутатликка номзодларнинг, авваломбор, инсонийлик, ахлоқий хислатлари кўпроқ муҳимлиги қайд этилган.

Афинада нашр этиладиган "Афины пресс" газетасида эълон қилинган мақолада мамлакатимизда сайловолди кампанияси қандай амалга оширилаётгани ва

Миср матбуотида ҳам Ўзбекистондаги парламент сайловлари мавзусига бағишланган мақолалар чоп этилмоқда. Буни араб оламида нуфузли "Ас-Сиёсий" ва "Ал-Мултака ад-Давлий" ("Халқаро учрашув") газеталари мисолида кўриш мумкин.

"Ас-Сиёсий" газетасида босилган "Осиёдаги парламентаризм тажрибаси Ўзбекистондаги сайловлар нигоҳида" мақоласи муаллифи шу йил 26 декабрь куни мамлакатимизда қатор ривожланган давлатларда тadbик этилган икки палатали парламентга биринчи сайловлар бўлиб ўтиши ҳақида ахборот берган. Материалда бўлажақ сайловларни очик ва эркин ўтишини таъминлашга қаратилган сай-харакатлар, хусусан, уларда нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан кузатувчилар иштирок этиши, барча номзодлар томонидан ўз ташвиқот кампанияларини олиб боришга кенг имкониятлар яратилгани араб ўқувчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳнамолигида мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг далили сифатида тақдим этилган.

"Ал-Мултака ад-Давлий" газетасида эълон қилинган "Ўзбекистон саҳифалари: сайловлар арасида" сарлавхали мақолада муаллиф Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар сайловолди дастурларининг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтган. Шунингдек, республикамиз парламент ҳаётида аёлларнинг ўрнига алоҳида эътибор берилаётгани ва депутатликка номзодларнинг 30 фоизини аёллар ташкил этаётганига алоҳида урғу берган.

"Голос Украины" газетасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловлар мавзусига бағишланган мақола "Янги йилга янги парламент билан" деб номланган. Унда мамлакатимиз тарихида биринчи марта бўлиб ўтадиган икки палатали парламент сайловлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Садриддин СУЯРОВ,
"Жаҳон" АА
шарҳловчиси

САЙЛОВЛАР ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Мамлакатимизда яқинлашиб келаётган парламент сайловлари халқаро кўламда катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни турли таникли сиёсатшунослар билдираётган фикр-мулоҳазалар ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материаллар орқали ҳам кузатиш мумкин.

ушбу жараёнда оммавий ахборот воситалари тутаётган ўринга асосий эътибор қаратилган. "Бу галги сайлов кампаниясининг ўзига хослиги шундан иборатки, давлат оммавий ахборот воситаларида бепул эфир вақти ва босма майдонни ажратилиши билан бир қаторда номзодларнинг пул тўлаш йўли билан давлат ва муштак ОАВларида чиқиши ҳам назарда тутилган", — дейилади газетанда.

Грециянинг яна бир нашри — "Омония" газетаси ҳам мамлакатимиздаги парламент сайловлари ҳақида батафсил ахборот бериб, қуйидаги хулосани газетхонлар эътиборига ҳавола қилган: "Умумхалқ референдуми билан маъқулланган икки палатали парламент барпо этиш тўғрисидаги ғоя мамлакатда демократияни ривожлантиришда янги босқични очди, ижтимоий соҳа тараққиёти, фуқаролар ва давлат ўртасидаги амалий мулоқотни фаоллаштиришга хизмат қилади".

янгиликлар сирасига киритиш мумкин.

Биз Тошкент ва Самарқанд вилоятларида қатор сайлов округлари ва участкаларини кўздан кечирдик. Сайлов кунига фаол тайёргарлик олиб борилаётганига ишонч ҳосил қилдик. Округ ва участкаларда телефон алоқаси ўрнатилган, сайлов комиссиялари учун қўлай хоналар ажратилган, зарур маълумот-ахборот материаллари мавжуд.

Шу ўринда бир шахсий кузатиш. Мен Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Пойтахтингиз жуда гўзал шаҳар экан. Тошкентнинг кўйфаси мунтазам ўзгариб бораётганини кўришни тубрибди. Ҳашаматли бинолар, кенг хиёбонлар кўҳна Шарқ ёдгорликлари билан уйғунлашиб, қадимий тарихини асраб-авайлаётган замонавий шаҳарнинг бетақдор меъморий ансамблини ташкил этган.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири

Қўзғатиш нигоҳи

ОЛЕГ КУЛЕБА:

ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ЙЎЛИДА

Сайлов кампаниясининг барча босқичлари қонунчиликда белгиланган муддатларда ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган тақвим режасига мувофиқ ўтмоқда.

Республикамизнинг янги парламенти Қонунчилик палатасига сайловларни кузатиб борадиган МДХ кузатувчиларининг фикри ана шундай. Улар 30 ноябрдан эътиборан юртимизда ўз ишини бошлади.

Тошкентда фаолият кўрсатаётган Ҳамдўстлик мамлакатлари халқаро кузатувчилари миссияси штабининг вакиллари Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти билан учрашув чоғида сайловларни ташкил этиш борасида қилинаётган

ишлар билан таништирилди. Шунингдек, ЕХТ/ДИИХБ миссияси раҳбари Любомир Колпай билан учрашув ўтказилди. Унда томонлар сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳақида фикр алмашди ва иккала миссия фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида бир-бирларини хабардор қилди.

— Бизнинг миссиямиз Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигини диққат билан ўрганди, — деди МДХ халқаро кузатувчилари мисси-

яси штаби аъзоси Олег Кулеба. — Таъкидлаш жоизки, кейинги вақтда уни янада демократлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Маҳаллий кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилиниши, сиёсий партиялардан номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун квота тайинланиши, сайлов кампаниясини ўтказишда партиялар фаолиятини молиялаштириш тартиби белгиланганлиги бу борадаги муҳим

Оламда нима ган?

**Жаҳон ва оммавий
ахборот воситалари
хабарларидан**

• Япониянинг амалдаги конституциясига ўзгартишлар киритиш ҳақида ҳукумрон Либерал—демократик партия тайёрлаган лойиҳада қуролли кучларни ташкил этиш борасида таклифлар билдирилган.

• Молия мониторинги бўйича федерал хизмат (Росфинмониторинг) ишлаб чиққан жиноий йўл билан олинган даромадларни ўзлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши миллий кураш стратегияси лойиҳаси Россия Президенти тақдим этилди.

• Камерун Президенти Поль Бийя мамлакатнинг янги бош вазирини тайинлади. Бу тўғрисида фармон давлат радиоси орқали ҳеч бир изоҳсиз ўқиб эшиттирилди. Фармонда айтилишича, Питер Мафани Мусонге ўрнига илгари президент маъмуриятида ишлаган Эфраим Инони ҳукумат раҳбари этиб тайинлаган.

• Тайванда 75 мингга яқин намоийшчи кўчага чиқди. Улар икки гуруҳга бўлиниб намоийш ўтказдилар. Биринчи гуруҳ оқроқ номини «Тайван Республикаси» деб, иккинчи намоийш қатнашчилари эса «Хитой Республикаси» деб ўзгартиришни талаб қилдилар.

• МАГАТЭ инспекторлари махфий ядровий объектларда қўшимча текшириш ўтказиш учун яна Жанубий Кореяга ташриф буюрдилар. Бу ҳақда мамлакат Илм-фан ва технологиялар вазирлиги хабар берди. Бундан бир неча ой илгари текширувларда Жанубий Кореяда 1982-2000 йилларда бу борада махфий тадқиқотлар ўтказилганлиги маълум бўлганди.

• Бир неча қуролланган жангарилар гуруҳи (баъзи маълумотларга қараганда, тўрт нафар) Саудия Арабистони Жидда шаҳрида жойлашган Америка консулигига ҳужум уюштирди. Консуллик биноси ёнида илгаридан портловчи модда жойлаштирилган автомобиль портлатиб юборилган. Шундан сўнг жангарилар дипломатик ваколатхона биносига бостириб қирдилар. Хабарларга кўра, ҳолиса содир бўлган жойга етиб келган полициячилар, махсус хизмат вакиллари ва жангарилар ўртасида отишмалар бир соатдан зиёд давом этган. Ҳозирча маъмур ҳолисани ҳеч бир террорчилик ташкилоти ўз зиммасига олгани йўқ. Саудия ҳукумати бу хунрезликларда «Ал-Қоидани» маҳаллий гуруҳлари қўли борлигини таъкидламоқда.



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Наргиза ШАРИПДЖАНОВА,

«Тошқурилишмеханизация» акциядорлик жамияти иқтисодчиси



(1977 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 7-Қози Гузар округи бўйича рўйхатга олинган)

— Истиқлол туғайли халқимиз, миллатимиз ҳаётида янги давр бошланди. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этмоқдамиз. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи элсавар, юртпарвар Юртбошимиз бошчилигида чинакам озодликка эришди. Давлатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мосу йўлини танлаб буюк келажақ сари олға бормоқда.

Республикаимизда янги қонун чиқарувчи тизимнинг вужудга келиши фикримизнинг яққол далилидир. 2004 йил 26 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловлардан сўнг Ўзбекистон тарихида биринчи марта икки палатали парламент ўз ишини бошлайди. Бу галги сайловлар ижтимоий-иқтисодий ислохотлар қўқурлашган, «ўрта табақа» ривожланган, партиялараро рақобат кучаяётган бир даврга тўғри келмоқда.

Шу билан бирга бўлажақ сайловлар кейинги йилларда жамият ҳаётида айрим долзарб муаммолар пайдо бўлганлиги, уларни зудлик билан ҳал этиш давр талабига айлانганлиги билан ҳам таърифланади.

Ҳокимиятнинг куч-қудрати илмий, тажрибали, жонқуяр, ҳаракатчан халқ ноиблари — депутатларга боғлиқ. Мен кўпчилик ишонч билдирса, доимо халқ ичиде бўлиб, масла-

хатлашиб, уларнинг талабларини ўрганиб, ҳаёт турмуш даражасини ошириш, ўртаҳол ва эҳтиёжманд аҳоли табакаларини ижтимоий муҳофаза этишга, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Мен депутатликка номзод сифатида бурч, масъулиятни яхши тушуниб, сайловолди дастурида ўз мақсадларимни белгиллаб олдим. Жумладан, иқтисодий соҳада:

— аҳолини иш билан банд этиш, янги иш ўринларини яратиш, ишсизликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

— аҳоли турмуш даражасини ошириш, ҳар бир фуқароннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш;

— пок, виждонли тadbirkorларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

Ижтимоий соҳада:

— кам таъминланган, ночор oilаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-таdbirkorларни ишлаб-чиқиш ҳамда биринчи навбатда аёллар ҳуқуқини ҳимоялашга, уларнинг ҳаётида ўз ўринларини топишга амалий ҳисса қўшишга ҳаракат қилиш;

— меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;

— аҳолининг асосий қисми учун сифатли ва бепул да-воллаш каfoлатларини таъминлаш;

— таълим, илм-фан, тиббиёт соҳаси ҳодимлари, зиёлилар ижтимоий нуфузини ошириш юзасидан тегишли чора-таdbirkorларни амалга ошириш;

— мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган ижтимоий йўналтирилган иқтисодийётни янада ривожлан-

тириш, қариялар, ногиронлар, фахрийлар, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, ижтимоий адолатни қарор топтириш.

Сиёсий соҳада:

— турли оқимларга қарши мунтазам курашиш йўлида амалий тақлифлар билан ташаббус кўрсатиш;

— ўзбек миллатини бутун дунёга кучли, қудратли, маданияти юксак эканлигини намойён этиш;

— жамиятимизга зиён келтираётган барча иллатларга қарши кураш олиб бориш.

Ёшлар сиёсатида оид:

— маънавий юкори ёшлар — жамият бойлиги ҳисобланади. Ёшларсиз келажақни тасаввур қилиш қийин. Билимли, эркин фикрга эга, адолатли, ҳақиқатгўй, маърифатли, юксак маданиятга эга жамиятни тебратди. Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари фаолияти шу мақсадларга йўналтирилган. Ёшлар сиёсатида энг катта ва мураккаб бўлган муаммолардан гивандликка қарши курашиш масаласини кўриб чиқиш талаб этилади.

Мен депутатни халқ хизматкори деб биламан. Унинг олий мақсади халқнинг фаровон ва тинч яшаши учун онгли курашдан iboratдир. Қачонки оқориди дастуримин бажарсамгина, давлатим, халқим олдида юзим ёруғ бўлади деган ниятдаман. Қўлимдан келганча халқимга ёрдам беришга уринаман, лекин шуни ҳам таъкидламоқчиманки, давлатимизнинг порлоқ келажаги нафақат менга, балки ҳар биримизга боғлиқдир. Бунга эса қўрбимиз етади, фақат эзгу ниятларимизда бирдам бўлсак бўлди. Куч — бирлик-да.

БУГУНГИ МУНОСИБ ҲАЁТ — ЭРТАНГИ БУЮК КЕЛАЖАК УЧУН

Мукаррамхон АЗИМОВА,

«Файз» холдинг компанияси бошқаруви раиси



(1952 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган ва 29-Қилчок сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

— 1974 йилда Ўзбекистон Миллий университети (илгари Тошкент Давлат универ-

ситети)нинг роман-герман факультетини тугатиб, нефть ва газ фойдали қазилмалар геологияси институтида таржимон сифатида меҳнат фаолиятини бошладим. 1978 йилдан то шу кунгача эндиликда холдинг компанияси ма-қомига эга бўлган «Файз» мебел ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб келмоқдаман. Ишдан акрallамган ҳолда 1985 йилда иккинчи — ҳуқуқшунос мутахассислиги бўйича олий ўқув юртини тугатдим.

Депутатлик мен учун янгилик эмас, бинобарин, халқ хизматида бўлиш нақадар масъулиятни бурч эканлигини яхши биламан. Шу боисдан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан менинг номзодим халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган экан, ўз сайловолди дастурида партиянинг ҳаракат дастури, шунингдек конституциявий ҳуқуқларимиз ва ўз маслаҳатига асосан қуйидагиларни асосий вазифам деб белгилладим:

1. «Бугунги муносиб ҳаёт — эртанги буюк келажақ учун» шиори остида аҳолининг турмуш даражасини ошириш, конституциявий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя этиш;

— меҳнат шaroитлари яратилган, муносиб ойлик билан таъминланган янги иш ўринлари ташкил этиш;

— солиқ тўлаш тизимини такомиллаштиришда қонун лойиҳалари бўйича фикр ва мулоҳазаларни билдириш, коммунал хизматлар учун тўловларни мукамаллаштириш.

2. Аёлларга ғамхўрлик ва уларни қўллаб-қувватлаш. Аёллар фаолиятини ошириш, ишлаб чиқаришдаги ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини имкон қадар енгиллаштириш, воёга етмаган фарзандлари бўлган оналарга 24 иш кунидан кам бўлмаган меҳнат таътили билан бир вақтда моддий ёрдам бериш, аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

— барча шифохоналарда сурункали касаллиги билан ҳисобда турувчи аёлларнинг даволаниши учун давлат ва корхоналар ҳисобидан тўловни амалга ошириш, дори-дармон билан таъминлаш;

— оналик ва болалик муаммоларини ҳал этишда шахсан иштирок этиш.

3. Келажақ — ёшларники. Ёшлар сиёсатини такомиллаштиришда, агарда номзодим қўллаб-қувватланса, ўз депутатлик ҳиссамини қўшиш.

4. Усиб келатган ёш авлоднинг жисмонан бақувват, маънавий ва ахлоқий соғлом бўлиши учун зарур бўлган

барча шарт-шaroитларини яратиш;

— Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

— олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тахсил олувчи ногирон, ота-онасиз ёшлар, кам таъминланган oilалар фарзандларига давлат томонидан маълум фойзли грантлар акратиш;

— ёш мутахассисларни иш билан таъминловчи иш берувчиларга имтиёзлар яратиш;

— ёш oilаларга ер участкалари, уй ёки қимматбаҳо уй жиҳозлари харид қилишда имтиёзли кредитлар киритиш.

5. Қарияларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш. Қариялар ҳаётини муносиб таъминлашда ҳар томонлама иштирок этишни режалаштирганман. Жумладан, қуйидаги йўналишлар бўйича доимий депутатлик назоратини жорий этаман:

— нафақа пулларининг ўз вақтида берилиши;

— бепул дори-дармонлар тақсироти;

— санаторий, профилакторий, дам олиш уйларига бепул йўланмалар акратилиши;

— Сергели туманидаги кўп тармоқли касалхона қурилишини тезлаштириш;

— шифохоналарда замонавий физиотерапия ва та-шхис жиҳозлари таъминотининг яхшиланиши;

— савдо тармоқларида пархез ва арзонлаштирилган озиқ-овқатлар бўлинмаларини ташкил этиш.

камолотида, шубҳасиз, Бозорбой Сафаровнинг муносиб ҳиссаси бор.

— Халқ назарида санъаткор обрўли, эътиборли одам, — дейди Бозорбой Сафаров. — Бу аслида устозларнинг гапи, улар айтишарди — агар сен чинакам санъаткор бўлсан десанг, шу обрў-эътибор олдида ҳамиша пок бўл. Обрў пулга топилмайди, пулга сотилмайди. Санъаткорнинг обрўси — бу унинг истеъдоди, ўрганган ҳунари, одоби, ахлоқи, камтаринлиги ва халқнинг кўнглини ола билиши, одамларга ҳаётда ҳамдард, дилкаш суҳбатдош бўлиш, деган гапдир. Халқ санъат аҳлини ҳурмат қилиб, унга қалбининг тўридан жой берар экан, бу — олий бахт ва шарафдир, айни вақтда, катта масъулият ҳамдир.

Дарове, ана шу масъулият туғайли Бозорбой Сафаров тўним билмайди. Унинг ишчанлиги, тиниб-тинчимаслиги ва ажойиб фазилатларини ўзи истикомат қиладиган Акмал Икромов туманидаги «Шарқ гули» маҳалласида ҳам яхши билишди. У маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчиси, маҳаллада бевосита унинг ташаббуси, ташкилотчилиги ва ҳомийлигида ободончилик, меҳр-муруват, ёшлар тарбияси борасида намунали тadbirkorлар уюштирилмоқда. Давлатимиз Бозорбой Сафаровни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими унвони билан тақдирлаган. Айни пайтда унинг номзоди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган ва 1-Ойбек сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.

Эркин СОҚРОВ

ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ ИНСОН

Хазрат — бу улуг мўтабар, табарруқ зот дегани. Илм, адабиёт ва санъатда шухрат қозонган, шу йўлда катта ва хайрли ишлар қилиб, эл назарига тушган, ҳурмат ва эътиборга лойиқ инсонларни шундай ном билан сифатлайдилар. Бугун биз таништирмоқчи бўлган қаҳрамонимиз — Ўзбекистон Телерадиокомпанияси бадий жамоаларининг кўп йиллик раҳбари ва қуюн-чак устоз Бозорбой Сафаровни ҳам қўллаб санъат аҳли — мусиқа ва кўшиқ ижодкорлари, бастакор, созанда хонандалар Хазрат дея атаб, ўз иззат-эҳтиром ва ҳурматларини ифода этадилар.



Бозорбой Сафаров асли самарқандлик. Ташкилотчилик, одамларнинг бошини қовуштириб етакчилик қилиш каби иктидор унда болаликдан шакллланганлиги туғайли у ўзи севган ва меҳр қўйган кўшиқчилик санъатида фаолият олиб боришни қатъий мақсад қилиб қўйди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан туман маданияти уйда ансамбль тузилди, унга ўзи бошчилик қилди. Кейин Тошкент педагогика институти (ҳозирги Тошкент Давлат педагогика университети) мусиқа факультетида тахсил олиб, билимини оширди. Мусиқа мутахассиси сифатида Ўзтелерадио компанияси бадий жамоаларида созандалик қилди, устоз санъаткорлар — Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Фанижон Тошматов, Фахриддин Содиков, Ориф Хатамов, Ориф Алимхусеновлар даврасида бўлди, улардан тарбия ва сабоқ олди, ўрганди, изланди. Шу фаолият жараёнида унда етакчилик ва ташкилотчиликка хос

салоҳият яққол кўзга ташланди.

Мана 13 йилдирки, Бозорбой Сафаров бадий жамоаларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу борада ишни эса у аввало жамоани етук, малакали ёш қадрлар билан мустақамлашдан бошлади. Устоз ҳофизлар қолдирган бой мерос — ижодий ижрочилик аънаналари давом эттирилган ҳолда, жамоага истеъдодли хонанда ва созандалар жалб қилиниб, миллий қолғу асбоблари таркибига уд, қонун, соз қолғуларни киритилди, мақомларнинг ижро тақлиқлари янада кўпайди. Катта истеъдодга эга санъаткорларнинг ҳозирги авлоди мақом ижрочилигини яна ҳам юкори поғонага кўтардилар. Ансамбль созанда ва хонандалари нуфузли халқаро мусиқа анжуманларида катта шухрат қозондилар. Бадий жамоалар таркибида кейинги йилларда қўллаб Ўзбекистон халқ артистлари, халқ ҳофизлари, санъат арбоблари, хизмат кўрсатган артистлар етишиб чикди ва уларнинг ижодий



ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ — ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

КЎПЧИЛИК ДАРДИ БИЛАН ЯШАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН

Донохон ИШАНОВА,

Шайхонтохур тумани Давлат нотариал идораси катта нотариуси



(1958 йилда туғилган. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 45-Фуркат сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

— Мен қаерда ишламайин, халқимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳалоллик ва ростгўйлик билан меҳнат қилишга астойдил интилим ва шунинг эвазига обрў-эътиборга эга бўлдим. 30 йиллик меҳнат фаолиятим давомида ўз касбимни мукамал ўзлаштирдим, кўплаб шогирдлар тайёрладим, жамоатчилик ишларида қатнашдим, маҳаллаларда, мактаб ва корхона, ташкилотларда кўплаб ҳуқуқий суҳбатлар ташкил этиш билан бирга аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ўз улушимни қўшдим.

Шунингдек, менга мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда доимо кўмаклашиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмоқдаман. Ҳозирги кунда қариялар илтимоси билан маҳаллаларга чиқиб, уларнинг ҳужжатларини ортқича оворатгарчиликсиз расмийлаштиришда бево-сита ёрдам бериб, ҳуқуқий жиҳатдан ҳақ-ҳуқуқлари

амалда таъминланишига ҳаракат қилаяпман.

Шу билан бирга туманимизда ва нотариал идорада жамоатчилик асосида «Ҳуқуқий маслаҳатхона» ва «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди, аҳолини қизиқтирган барча саволларга керакли жавоб бериш жорий этилган.

Депутатлик мен учун шунчаки обрў эмас, балки катта масъулият эканлигини инobatта олган ҳолда ўз олдимга қўйидаги асосий вазифаларни қўйдим:

— фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришда фуқаролар орасида доимий иш олиб бориш;

— туманда мулкдорларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашда ва уларнинг иш юритишида ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

— туманда нотариал ишлар юзасидан барча фуқароларга жамоатчилик асосида кўмаклашиш ва ҳуқуқий суҳбатлар уюштириш;

— кичик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

— маҳаллаларда вақтинчалик ишсиз қолган фуқароларни иш билан таъминлашда мутасадди органларга кўмаклашиш;

— мактабларда, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда суҳбат ва урғашувлар ўтказиш;

— ўқитувчилар, кам таъминланган, кўп болали оила-

лар, боқувчисиз қолган кексалар, ногиронлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларига ёрдам кўрсатиш;

— ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, гиёвандлик каби инсон ҳаётига ҳавф солувчи иллатларнинг олдини олишда жамоатчилик назоратини ташкил этиш;

— ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан спорт майдончалари ва залларини жиҳозлаш, маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар атрофларида спорт тўғрисида ишларини яхшилаш ва жонлантиришга эришиш,

— ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида, улар ўртасида турли тадбирларни уюштириш;

— маҳаллаларда жамоатчилик асосида туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ободончилик ва экологияга оид ишларни мунтазам ташкил қилиш;

— маҳалла қўмиталари томонидан кам таъминланган оилаларга берилаётган моддий ёрдам пулларини қафолатлаш.

Умуман, халқ билан ҳокимият ўртасида кўприк яратиш, халқнинг билдирган ишончини оқлашга, халқ дарди билан яшашга, шахримиз обод бўлиши учун астойдил меҳнат қилишга, халқимиз орзу-истаклари, мақсадларини амалга ошириши ҳуқуқий асослайдиган қонулар яратилишига ўз ҳиссамни қўшишда барча имкониятларни ва бор қуч-қувватимни ишга соламан.

МЕНИНГ ВАЗИФАМ — ВАТАНГА МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Қахрамон ЗУПАРОВ,

Калонов номидаги компьютер технологиялари касб-хунар коллежи директори



(1960 йилда туғилган. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси томонидан кўрсатилган ва 33-Содиқ

Азимов сайлов округи бўйича рўйхатга олинган) — Хар бир депутатликка номзод ўз иш режасини ва дастурини Ватанимизнинг равақига йўналтирган ҳолда ишлаб чиққанлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро Ватан учун барча қуч-қудратини, ақл-заковатини бахшида этади.

Миллий тикланиш партияси томонидан менинг номзодим депутатликка кўрсатилган экан, ўз ишимда биринчи навбатда партия қўйган вазифалар ва ўз эзгу ниятларимни устун қўяман.

Миллий тикланиш деганда кўз ўнгимизда жонажон Ватанимизнинг фидойи ўғил-қизлари, ўзининг меҳнатини, сайё-ҳаракатларини халқ учун бахшида этадиган, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун, ривожланиши, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрнини топа олишига хизмат қиладиган инсонлар гавдаланади. Шу тўғрисида туғилган, ўсиб-улғайган ва унинг келажагига бефарқ бўлмаган кишилар тушунлади. Бу ҳозирги вақтда ўзбек номини улуғлаётган, Ватанимиз ривож учун фанда, иқтисодиётда, ишлаб чиқаришда, маданият ва спортда ўзлигини намойён этаётган инсонлардир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг амалга оши-

рилаётган бекиёс ишларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, охириги 13 йилда қанчалар муваффақиятга эришганлигимизни, ютуқларимизни, жаҳонда топаётган ўз ўрнимизни ифтихор билан айтсак бўлади.

Иқтисодиётдаги, сиёсатдаги, ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар, инсоннинг баркамоллиги, яхши яшашимиз учун қилинаётган ишларнинг адоғи йўқдир. Бу ютуқларимиз замирини оладиган бўлсак, қўйидаги фикрларга қелишимиз мумкин.

Ўзбек халқининг ўтмишига назар ташласак, азал-азалдан бизнинг неча-неча алломаларимиз, шоирларимиз, сиёсатчиларимизнинг обрў-эътибори, номи бутун дунёга ёйилганига ишонч ҳосил қиламиз. Уларнинг номларини бирма-бир енаб ўтишининг хожати йўқ деб ҳисоблайман, зеро уларни барчамиз билан-из ва фахр-эътиром билан ёдга оламиз. Бутун дунёга донги кетган инсонларнинг авлоди бўлиш бизнинг ҳам ривожланишимиз, буюкликка интилишимиз бежиз эмас, албатта.

Ҳозирги вақтда партияимизнинг сиёсатида ҳам юқорида айтилган фикрлар ўз ўрнини топган. Бир томондан биз улғу бобоконларимиз ишининг давомчилиги сифатида ўзбек халқининг ролини жой-жойига қўйиб, уларнинг шижоатига, меҳнатсеварлигига, буюк мақсадларини олдиға қўя билишига ишонган ҳолда, иккинчи томондан Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг Ватан туйғусидан келиб чиққан ҳолда эл-юрт ривожига қўшадиган ҳиссасини ҳам ҳисобга олишимиз даркор.

Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат вакиллари истикомат қилишни аниқлаган ҳолда хар бир инсон-

нинг миллатидан қатъи назар Ватан тинчлиги, унинг ривожига ўз ҳиссасини қўйишига имконият яратишимиз лозим.

Хар бир фуқаронинг Ватан обрўсига, байроғига, мадҳиясига бефарқ бўлмаслиги, унинг келажагига ишонч ҳиссини, «Ватан келажаги менинг ҳам қўлимда» деган фикрларни онгига сингдириш даркор деб биламан.

Миллий тикланиш, миллий ифтихор, миллий равақ деганда фақатгина ўзбек миллатига мансублик эмас, балки Ўзбекистоннинг тикланиши, юрт ифтихори, равақи деб тушуниш даркордир. Агар хар бир Ўзбекистон фуқаросига мамлакатни равақи учун масъулиги, қолаверса жавобгарлиги ҳиссини сингдира олсак, бунга эришимиз лозим бўлган муваффақиятларимизнинг қалитларидан бири деб ҳисоблайман.

Ўзим компьютер технологиялари касб-хунар коллежида раҳбар сифатида меҳнат қиляпман. Ота-онам ўқитувчи бўлишган. Таълим бериш қонимда десам янглишмайман.

Ўқитувчиларнинг билими, онги, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишига, жамиятимизда ўз ўрнини муқим топишига сидқидилдан ўз ҳиссамни қўйишга ҳаракат қиляпман. Ўз навбатида менинг энг асосий вазифам ўқувчиларимга ҳам она-Ватан муқаддаслиги, келажаги, равақи учун муносиб фарзанд бўлиш тушунчасини сингдиришдир. Бу йилда депутат бўлиш-бўлмаслиқдан қатъи назар хизмат қилишни давом эттирмаман деб сизларга сўз бераман.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Маъмура ИСМАИЛОВА,
129-мактаб директори



(1962 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган ва 2-Абдулла Қодирий сайлов округи бўйича рўйхатга олинган)

— Мен билда бешта фарзандимиз туртинчисиман. Отам кўп йиллар давомида ТошГЭС-да ҳайдовчи бўлиб ишлаш билан бирга Файзулла Ҳўжаев номидаги маҳалла фаоли сифатида кўп хайрли ишларни амалга ошириб, катта обрўга эга бўлганлар. Улардаги ҳаракатчанлик, камтарлик, кишиларга қўлдан келганча ёрдам бериш, жамоани ишлата олиш ва уларга раҳбарлик қилиш каби хислатлар менда ҳам муқассам бўлишига ҳаракат қилдим. Шу билан бирга онамнинг кўп йиллар давомида мактабда меҳнат қилгани ва оила муҳитида фаоллигини кўриб, менинг қалбимда ўқитувчиликка ҳавас уйғонди.

Мақсадимни амалга ошириш истагида Тошкент педагогика билим юртига ўқишга кирдим ва уни битирган 129-мактабда бошланғич синфларда дарс бердим, кейинчалик рус тили ўқитувчиси сифатида иш фаолиятимни давом эттирдим.

1985 йилда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти (ҳозирги Жаҳон тиллари университети) га сирдан ўқишга кириб, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлдим.

2000 йилда 129-мактаб директори этиб тайинландим. Раҳбарликдаги илк фаолиятимни аввало мактабнинг аянчи аҳволдаги жойларини таъмирлашдан бошладим. Жамоа билан ҳамжиҳатликда мактаб томини тўлиқ таъмирдан чиқариб, турли тадбирларни ўтказиш учун тантаналар зали, спорт зали, бошланғич синфлар учун кичик спорт зали файзли қўрғинишга эга бўлди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси томонидан менинг номзодим халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган экан, ўз сайло-

волди ҳаракатларимда ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда, уларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш, мактаблар иш фаолиятини яхшилашда, амалдаги қонуларнинг ижроси тўлиқ ҳаётга татбиқ этилишида фаоллик кўрсатишни асосий мақсадим деб биламан ва қўйидаги вазифаларни баҳаришни режалаштирганман:

1. Ёшларнинг жамиятга бўлган сиёсий, иқтисодий дунёқарабини оширишда аяқдан қўмаклашиш.

2. «Ватан ёғонадир — Ватан биттадир» шiori остида Мустақиллигимизнинг боқий бўлишига ҳаракат қилиш, жамиятда қонуничиликни мустаҳкамлаш ва ҳимоялашда терроризм, миллатчиликка қарши курашиш.

3. Банд бўлмаган ёшларни иш билан таъминлаш учун туман меҳнат биржалари билан ҳамкорлик қилиб, уларни ишга жойлаштиришга мунтазам ёрдам бериш.

4. Вояга етган болаларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш. Уларнинг соғлиғига эътибор бериш, битирувчиларни ўқиш ва ишларга жойлаштириш ишларини яқинига етказиш.

12.00 «Жизнь прекрасна» Мульт.-поп.
14.00 «Смешные медведи»
15.00 Фильмы по ставкам ВВС. «Денди»
16.00 «Агент национальной безопасности»
17.00 Истории в Специальный выпуск
17.30 Х/ф «Флаб-прыгунчик»
19.25 «Смехи ради»
21.00 Х/ф «Полиакладение-5»
23.00 «Осторожно! Ищи похотевшую шкива» Комедия
00.15 Кино в дет. 1.15 Х/ф «Эрин вич»
3.30 Х/ф «Страна

«Меҳрли савдо»
Давлат корхонаси
2005 йил 1
чорагида қуйидаги
озик-овқат
маҳсулотлари
харид қилиш учун
тендер савдолари
ўтказилишини
маълум қилади.

— шакар
— сариёғ
— биринчи тоифали муз-
тирлан мол гўшти

Тендер таклифларини
қабул қилиш ҳамда тендер
ҳужжатларини бериш ҳар
куни соат 9.00 дан 17.00
гача қуйидаги манзил
бўйича амалга оширилади:

Тошкент шаҳри, 700000,
Мирзо Улуғбек тумани,
А.Икромов кўчаси, 27-уй,
Телефонлар: 137-14-59,
137-45-15, факс 137-14-92.
Таклифларни қабул
қилишнинг охириги муддати
2004 йил 24 декабрь, соат
17.00 гача.

Танлов асосида қуйидаги-
ларни харид қиламиз:
— ҳар хил турдаги ёрма-
лар, жумладан:

— гуруч, майдаланган
нўхот, перловка, гречка,
тариқ, ловия, мош;
— ёгдай балиқ консер-
валари;
— мол гўшtidан тайёр-
ланган консервалар;

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Ёшонлар шанба ва як-
шанбадан ташқари ҳар
куни соат 9.00 дан 17.30
гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун те-
лефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-
09.

Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 2-қават, 204-хона.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳ-
камасининг Молия бош бош-
қармаси жамоаси ушбу бош-
қарма ходими Людмила Влади-
мировна Кильбергнинг онаси
Варвара Ефимовна
МУРАШОВАнинг
вафот этганлиги муносабати
билан марҳуманинг оила аъзо-
лари ва яқинларига чуқур таъ-
зия изҳор қилади.

Газетанинг навбатдаги сони
15 декабрда чиқади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИНИНГ

Янги йил муносабати билан «Арча байрами»ни
ўтказиш даврида ёнгин хавфсизлиги чораларини таъминлаш бўйича

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ШАҲАР АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, Янги йил
Арча байрамини беҳавотир ўтказишни хоҳ-
лайсизми, унда байрам тадбирларини
ўтказиш даврида ёнгин келиб чиқишининг
олдини олиш ҳамда болалар хавфсизли-
гини таъминлаш мақсадида, Сиз раҳбар-
лик қилаётган ташкилот, муассаса ҳамда
хонадонингизда қуйидаги ёнгин хавфсиз-
лиги қоидаларига қатъий равишда амал
этан ҳолда ва мақсуд ёнгинга қарши чора-
тадбирларнинг бажарилишини сўраймиз.

1. Корхона, ташкилот, маданият муас-
сасаларида тадбир ўтказиладиган жойини
белгилаш ҳамда арчани ўрнатишда амал-
га оширилиши лозим бўлган қоидалар:

• Тадбир ўтказиладиган хона бинонинг
биринчи қаватида бўлиши керак.

• Тадбир ўтказиладиган хонанинг чи-
қиш эшиклари 2 тадан кам бўлмаган,
ҳамда ташқари томонга очиладиган бўли-
ши ва йўналишларни кўрсатувчи махсус
белгилар билан таъминланиши керак.

• Янги йил арчасини хонанинг ўрта қис-
мига қулай ва мустаҳкам қилиб ўрнатиш
керак, унинг уч қисми ва барглари хона-
нинг шифти, девор ҳамда иситиш жиҳоз-
ларида тегиб турмаслиги керак.

• Арчани безатишда пахта-қоғоз ва шу
каби тез аланга олувчи матоладан тай-
ёрланган уйинчоқлар ҳамда бертолёт туз-
ларидан фойдаланмаслиқ лозим.

• Арчани фақат, ишлаб чиқариш кор-
хоналарида тайёрланган ва сертификат

белгиларига эга бўлган электр лампочка-
лар билан ёритиш мумкин. Бундай ҳол-
ларда қучлиниши фақат 24 вольт ёки гир-
лянд лампочкалари 12 вольтдан ошмас-
лиги керак.

• Тадбир ўтказиладиган хона 2 тадан
кам бўлмаган бирламчи ўт ўчириш воси-
талари билан таъминланиши лозим.

• Тадбир ўтказиладиган хоналар узоқ
муддатга назоратсиз қолдирилмаслиги ва
шаҳар телефон тармоғи соз ҳолда бўли-
ши керак.

2. Тадбир ўтказиш даврида бажарили-
ши шарт бўлган ёнгинга қарши тадбир-
лар:

• Тадбир ўтказилиши даврида ёнгин-
га қарши қоидалар ва хавфсизлигини таъ-
минлашга маъсул ходимлар ва жавобгар
шахс буйруқ орқали тайинланиши, маъсу-
л ходимлар бош электр қутиси қаерда
жойлашганини ҳамда бирламчи ўт ўчириш
воситаларидан қандай фойдаланиш керак-
лигини билишлари лозим.

• Арча олдида шағам, хлопושка, бен-
гал чироғи, мушакбозлиқлар ва бошқа
ёнгин чиқишига олиб келувчи пиротех-
ника воситаларидан фойдаланиш тақиқ-
ланади.

Қуйидагилар тақиқланади:

• болаларни тез ёнувчи материаллар-
дан тайёрланган кийимлар билан кийин-
тириш;

• хонани қоронғулаштириш учун де-

разаларга соябонлар ўрнатиш;

• белгиланган меъёрдан кўп одамлар
билан хоналарни тўлдириш;

• байрам ўтказиладиган хонада бола-
ларни ёлғиз қолдириш;

• болаларнинг арча олдида 1 метрдан
кам бўлмаган масофада бўлишини таъ-
минлаш лозим;

• тадбир ўтказиладиган бино ва хона-
да электр иситиш анжомларидан фойда-
ланиш, бўяш, очик оловдан фойдаланиш,
шағам ёқиш, сигарет чекиш ва шунга
ўхшаш ёнгин ёки портлаш хавфи содир
этилиши мумкин бўлган ишларни бажар-
иш тақиқланади.

Тадбир тугагандан сўнг, барча электр
жиҳозларини ўчириш, яна бир бор маъсул
ҳодимлар (хонадон эгалари) томонидан
текшириб ўчирилганига ишонч ҳосил
қилиш, безатилган арча ҳамда безаклар-
ни йиғиштириб, ушбу хонадан олиб чи-
қиб кетиш ва маҳаллий Ёнгин хавфсизли-
ги хизмати идорасига телефон орқали
тадбир тугагани ҳақида маълумот бериш
лозим.

Юқорида келтирилган ёнгинга қарши
қоидаларга амал этган ҳолда Янги йил
Арча байрамини беҳавотир ўтказиш мум-
кин.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИИББ ЁНГИН
ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ СИЗ-
ЛАРГА БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ ВА
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК ТИЛАЙДИ.**



Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

• Тошкент шаҳар, М.Улуғбек ту-
мани, Х.Олимжон кўчаси, 11-уйда
жойлашган майдони 1 642 кв.метр
бўлган «Нур» мажмуаси. Бошлан-
ғич нархи — 750 000 000 сўм.

• Тошкент шаҳар, Чилонзор ту-
мани, 4-мавзе, 12-уйда жойлаш-
ган, майдони 84 кв.метр бўлган
бино қисми. Бошланғич нархи —
2 939 110 сўм.

• Тошкент шаҳар, Чилонзор ту-
мани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жой-
лашган, майдони 60,7 кв.метр
бўлган бино қисми. Бошланғич на-
рхи — 2 540 396 сўм.

• Тошкент шаҳар, Шайхонтохур

тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда
жойлашган, майдони 1473 кв.метр
бўлган бино. Бошланғич нархи — 48
648 225 сўм.

• Тошкент шаҳар, Юнусобод ту-
манида жойлашган «Олой» бозори
асосий биноси фойесининг майдони
16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-
қисми. Бошланғич нархи — 5 775
000 сўм.

• Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғ-
бек тумани, «Х.Олимжон» майдони,
ғарбий томонида жойлашган «Пой-
тахт бизнес мажмуаси» биноси-
нинг 1-қаватидаги, майдони 16 кв.
метрга тенг бўлган қисми (Ц-бло-

ки). Бошланғич нархи — 5 841 600
сўм.

• Тошкент шаҳар, Чилонзор ту-
мани, Олмазор-6/7 манзилида
жойлашган, майдони 47 кв.метр
бўлган бино қисми. Бошланғич на-
рхи — 2 316 603 сўм.

• «Руслан Шамшади» хусусий
корхонаси балансида бўлган

қуйидаги станоклар:

— станок СМЖ-357. Бошланғич
нархи — 1 400 221 сўм;

— 1Г 340 П револьверли токар-
лик дастгоҳи. Бошланғич нархи —
5 338 396 сўм.

**Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ
(авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотил-
моқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.**

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11.00 дан 12.00 гача
ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
— 133-28-95; 136-37-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳафта — 2 босма табоқ офсет
усулида босилади.
2764 нусхадан босилади. Қўғоқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га
— 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.